

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИ**

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

**“Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг
статистик таҳлилни такомиллаштиришнинг назарий ва
услубий жиҳатлари”**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Тошкент 27 май 2022 й.



МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

**“Теоретические и методологические аспекты
совершенствования статистического анализа развития
цифровой экономики”**

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Ташкент 2022 г.

<i>Ғаниев А.</i>	Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари таҳлили	
<i>Ablazov L.A.</i>	Bulutli hisoblashning turlari	
<i>Isatmixonmedov F. A</i>	Economy based on macroeconomic indicators in the digital economy	
<i>Mirzanova N.M.</i>	Suv resurslarini boshqarishda sun'iy intellektning o'rni	
<i>Мирабзалов М. М.</i>	Рақамлаштириш шароитида микросуғуртанинг амал қилиш механизми	
<i>Mirzoyev A. N.</i>	Improving statistical analysis of small entrepreneurship	
<i>Мирзоев А.Н.</i>	Совершенствование статистического анализа малого предпринимательства	
<i>Миролимов М.М. Абраев Ш.Х.</i>	Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda mehnat resurslari va ishchi kuchlarining o'zaro harakatlarini statistik baholash	
<i>Мусаева З. А.</i>	Цифровая экономика сократит в стране бедность и повысит инновационность	
<i>Набиева Ф.А.</i>	Развития цифрового маркетинга в сфере услуг	
<i>Navruzov D.I.</i>	Aksiyadorlik jamiyatida kuzatuv kengashining boshqaruv samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalarning roli	
<i>Назаров А.О.</i>	Халқаро аэропортлар орқали мамалакатимизга кириб келаётган йўловчилар билан боғлиқ хавфни рақамлаштириш орқали камайтириш	
<i>Назаров Р.Ф.</i>	Цифровое страхование на примере страхования транспортных средств	
<i>Нуруллаева Ш.Т. Сайдуллаева С.А.</i>	Доверительные интервалы для дисперсии совокупности	
<i>Холмуродов О.Н. Нормаматов Б.О.</i>	Рақамли иқтисодиётнинг назарий-ҳуқуқий асослари	
<i>Сағдиев Р.С.</i>	Цифровизация андеррайтинг страховых услуг	
<i>Илхамов Ш.И.</i>	Солиқ статистикаси ва унинг моҳияти	
<i>Ихатова А.Ш.</i>	Raqamli iqtisodiyotning ahamiyati va roli	
<i>Равзатов Ж.Б.</i>	Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда сунъий интеллектнинг роли ва ўрни	
<i>Яхшиева М. Т.</i>	Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг долзарблиги	
<i>Тургунов О.У.</i>	Цифровые платформы как инструмент цифровой трансформации	
<i>Тўраев Д.Х.</i>	Солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этишда рақамли технологияларни жорий қилиш масалалари	
<i>Тургунов О.У.</i>	Возможности применения цифровых технологий в страховой деятельности	
<i>Маҳкамов С.О.</i>	Рақамлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасининг бюджет-солиқ сиёсати таҳлили	
<i>Гулямова Г.П.</i>	Рақамли иқтисодиёт шаклланиши шароитида меҳнат бозорининг хусусиятлари	
<i>Рахматов Ж.</i>	Ўзбекистонда инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши таҳлили	

МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

доц. Яхшиева М. Т.

Тошкент давлат

иқтисодиёт университети

Бугунги кунда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва замонавий инфратузилмани қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам алоҳидатаъкидлаб ўтиб, “Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Мамлакатимизда илм-фанни янада рақамли рағбат топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этаман” – деган фикрни билдирди.

Бугунги тезкор замонда жаҳон бўйлаб глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган шароитда рақамли иқтисодиёт илғор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоғида кенг жорий этилмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш ҳамда коррупцияни кескин камайтириш имконини берар экан. Кўриниб турибдики, мазкур соҳа юртимизда барча соҳа ва тармоқнинг юксак ривожига жиддий туртки бўлади.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тушуниб, иқтисодиётни рақамлаштириш томон ҳаракатни онгли равишда бошлади. Бу йуналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади. Улардан кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Беларусь ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувларни, хусусан, АҚШ бозор йуналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралик

вариантларга риоя қилади

Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин. Илғор мамлакатлар рақамли иқтисодиёти кўплаб дастурлари (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқалар) асосий эътиборни “рақамли тиббиёт” ҳамда “ақлли шахар” ижтимоий йўналишларига қаратмоқда. “Рақамли тиббиёт” ва “ақлли шахар” ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш кўпроқ мураккаблик ҳамда хилма хилликни талаб қилади ва бундай лойиҳалар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилади.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этмоқда. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ хажмининг қарийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин. Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, АКТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади.

Юқоридагилар асосида хулоса сифатида айтиш мумкинки, жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги рақамли иқтисодиёт шаклланаётган шароитида ривожланиши давлатлар иқтисодиётининг тизимли интеграцияси, капиталнинг халқаро концентрацияси, жаҳон бозорининг ва компаниялар хўжалик фаолиятининг глобаллашуви билан тавсифланади. Бунинг муҳим омили инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг асосий интеллектуаллашуви ҳисобланади. АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг иқтисодий ва технологик устунлиги фан ютуқлари ва юқори технологияларга асосланган тармоқларга эгаллигида намоён бўлади ва бу давлатларнинг жаҳонда сиёсий ҳукмронлигини таъминлайди.

Ҳозирги даврда билимлар иқтисодиётини янада ривожланиши, инновацион фаолиятнинг муҳимлиги ва унинг изчил давоми сифатида ахборотлашган жамиятнинг бугунги глобаллашув шароитида ўта муҳим аҳамиятини англаган ҳолда, давлатлар зудлик билан рақамли иқтисодиётга ўтмоқдалар. Бу эса ҳозирги шароитда иқтисодий етакчи давлатлардаги маҳаллий компанияларга юксак технологик сакрашни амалга оширишга имконият яратади ва бошқа мамлакатларга нисбатан барча макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлайди.

Демак, ахборотлашган жамият инновацион фаолиятни янада жадаллашиши натижасида ахборотлаштириш, компьютерлаштириш, рақамлаштириш жараёнлари одамларга ишончли ахборот манбаларига уланиш ва фойдаланиш имконини берадиган, уларни тезкор ахборотга эга бўлиш орқали ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнларини “ахборот сиғимига эга бўлган маҳсулот” асосида автоматлаштириш даражаси юқори бўлишини таъминлайди.